

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.04.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ҒУЛОМОВ ШУХРАТҚОДИР ТАШМАТОВИЧ

**МИНЕРАЛ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА ТАБИИЙ ГАЗЛАРНИ
МЕРКАПТАНЛАРДАН ТОЗАЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН
САМАРАДОР КАТАЛИЗАТОР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.14–Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

**Техника фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical
sciences**

Гуломов Шухратқодир Ташматович	.
Минерал хомашёлар асосида табиий газларни меркаптанлардан тозалашда қўлланиладиган самарадор катализатор олиш технологияси.....	3
Гуломов Шухратқодир Ташматович	
Технология получения эффективных катализаторов демеркаптанизации природного газа на основе минерального сырья.....	21
Shkhratqadir Gulomov	
Technology of obtaining effective catalysts used in the purification of natural gaz from mercaptans based on mineral raw materials.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати	
Список опубликованных работ List of published works.....	43

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.04.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ҒУЛОМОВ ШУХРАТҚОДИР ТАШМАТОВИЧ

**МИНЕРАЛ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА ТАБИИЙ ГАЗЛАРНИ
МЕРКАПТАНЛАРДАН ТОЗАЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН
САМАРАДОР КАТАЛИЗАТОР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.14–Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Т32 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси ТКТИ ва ЎзКФИТ институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифада (www.tkti.uz) ва «ZiyoNET» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) тармоғида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Туробжонов Садриддин Махаматдинович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рахмонов Тойир Зоирович
техника фанлари доктори

Сайдахмедов Игамберди Мухторович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Умумий ва ноорганик кимё институти

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.04.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__»_____ соат__даги мажлисида бўлиб ўтади.(Манзил:100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32.Тел.: (99871)244-79-20, факс: (99871)244-79-17; e-mail:tkti_info@edu.uz. Тошкент кимё-технология институти Маъмурий биноси, 2-кават, анжуманлар зали)

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган).(Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871)244-79-20).

Диссертация автореферати 2019 йил «__»_____ куни тарқатилган.
(2019 йил «__»_____даги №__ рақамли реестр баённомаси).

С.М. Туробжонов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси т.ф.д., профессор

А.С. Ибодуллаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби т.ф.д., профессор

Г.Р.Рахмонбердиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида углеводород газларини жумладан, нефт газлари, табиий газлар, пиролиз газлари, йўловчи газлар, Фишер-Тропш газлари ва GTL технологияси газларини қайта ишлаш билан боғлиқ технологик жараёнлари бўлган саноат соҳаларида олтингугуртли бирикмалардан тозалаш учун юқори самарадор, муқобил оптимал юза ва ғоваклик хоссаларига эга бўлган катализаторлар ишлатилади, Шу билан бирга товар газлар ва углеводород газлар сифатига қўйилган талабларни қондириш учун углеводород хомашёсини қайта ишлашда айнан каталитик жараёнларни модернизация қилиш ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлашни такомиллаштиришга алоҳида этибор қаратилмоқда.

Жаҳонда нефт ва газ, кимё, енгил, металлургия, чарм саноатлари ва бошқа соҳаларда ишлатиладиган сифатли газ хомашёсини етказиб бериш учун хар хил маҳсулотларни кенг қамровда ишлаб чиқариш соҳасида қўлланиладиган, юқори самарадор катализаторларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиб, керакли хусусиятга эга бўлган углеводород газларини олиш, нефт ва газни қайта ишлаш жараёнларига кўп функционал-узлуксиз фаолликка эга бўлган катализаторларни жорий этиш, нанотехнологиялар, антикоррозион ва антиоксидловчи қўшимчалардан фойдаланиш ҳамда каталитик усулда муқобил ёқилғи олиш, ноананавий технологияларни ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда бугунги кунда маҳаллий хомашё ва саноат иккиламчи маҳсулотларидан фойдаланган ҳолда янги, импорт қилинадиган катализаторларни ўрнини босадиган, маҳаллий катализаторлар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш, саноат миқёсида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, нефт ва газни қайта ишлаш корхоналари маҳсулотларининг энергетик рентабеллигини яхшилаш бўйича бир қатор технологиялар жорий этилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган, сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада янги маҳаллий катализаторлар олиш, уларни кўрсаткичларини жаҳон аналоглари билан солиштириш ҳамда экспорт ҳажмини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 6 апрелдаги ПФ-4891-сон «Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми ва таркибини танқидий таҳлил қилиш,

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисида фармони

импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш тўғрисида»ги, 2018 йил 07 майдаги ПҚ-3689-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги, қарорлари ва фармонлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Минерал хомашёлар асосида табиий газларни меркаптанлардан тозалаш учун катализатор олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича А.Л. Лапидус, Г.К. Зиберт., М.А. Кипнис, А.Г. Ахмадулина, А.М. Мазгаров, Y. Okamoto, C. Song, F. Dumeignil, J. Lindner, W.L.T.M. Ramselaar, Villa Garcia, Э.Г. Исмагилов., А.С. Султанов, М.П. Юнусов, С.М. Туробжонов, А.И. Икрамов, А.Т. Дадаходжаев, Ш.М. Сайдахмедов, М.Ф. Абидова ва бошқалар бир қатор илмий изланишлар олиб боришган.

Улар томонидан катализаторларни (гидротозалаш, гидрокрекинг, деароматлаш, меркаптансизлантириш ва бошқалар) турли хил компонентлар ва маҳаллий хомашё (каолинлар, бентонитлар, саноат чиқиндилари ва бошқалар) лардан фойдаланиб, янги, самарадор, кўп фукцияли, хелат бирикмали, гетерополикислотали ва бошқа турдаги катализаторлар одатий, бир ва кўп мартали шимдириш, чўктириш, молекуляр тўйинтириш усулларида синтез қилиниб, янги олиниши бўйича технологиялар яратилган.

Шу билан бирга минерал хомашёлар асосида табиий газларни меркаптанлардан тозалашда қўлланиладиган катализатор олиш технологияси йўналишида, углеводородларни қайта ишлашда кукунсимон тикланувчи, капсулали полимер ташувчили, барқарор нано юза, фаол марказлар ва оптимал ғовакларга эга бўлган осон янгиланувчи «regeneration» турдаги катализаторлар олиш, уларни қўллаш учун янги технологик жараёнлар ишлаб чиқиш, каталитик тизимларни барқарорлаштириш, кимёвий ютилган бирикмаларни ҳароратсиз кимёвий усулда тозалаш орқали регенерация қилиндиган катализаторлар устида ишлар олиб борилмоқда.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқод режасининг А13-020 «Табиий газларни меркаптанлардан тозалаш катализаторлари ва технологиясини ишлаб чиқиш» (2012-2014 гг), Ф-7-012 «Нефт ва газни қайта ишлаш гидрогенизацион жараёнлари учун мўлжалланган

ион алмашунувчи металлларнинг модель системаларда нанокатализаторларнинг юза қисмини структураларини ўзгариш қонуниятларини шакллантириш» (2012-2016 гг), 6461-891 «Табиий газларни олтингугуртдан тозалаш ҳамда нефт фракциялари ароматик бирикмаларини гидрирлаш катализаторлари ва технологияларини ишлаб чиқиш» (2015-2016 гг), И-2016-7-12- «Табиий газни меркаптансизлантириш катализатори технологиясини яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш» (2016-2017 гг), мавзусидаги фундаментал, амалий, инновацион ва хўжалик шартномалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади минерал хомашёлар асосида углеводородларни меркаптанлардан тозалашда қўлланиладиган самарадор катализаторлар олиш технологияси ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оксидланиш-қайтарилиш, кислота-асосли хоссалари оптималлаштирилган, газларни тозалаш ҳажмий тезлиги юқори ҳолат учун модификацияланган оптимал ғовакли текстурасига эга меркаптансизлантириш катализаторларини маҳаллий хомашё ёрдамида синтез қилиш технологиясини яратиш;

синтез қилинган катализаторлар юзасида олтингугуртли бирикмаларни таркиби ўзгаришини CO_2 миқдори юқори бўлган модель таркибли углерод газларида тадқиқ қилиш;

Co-Mo, Ni-Mo, Fe-Ni-Mo ва Fe-Co-Mo катализаторларининг олтингугуртли углерод газларини парчалаб тўйинган углеродлар ва водород сульфиди ҳосил бўлиши жараёнидаги фаоллигининг Fe^{3+} фаол марказлар промотори ҳолатидаги ўрнини аниқлаш;

минерал хомашёлар асосида табиий газларни меркаптанлардан тозалашда қўлланиладиган самарадор катализатор олиш технологиясини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида углеводород хомашёларни таркибидаги олтингугурт тутган моддалар: меркаптанлар, тиофенлар ҳамда маҳаллий хомашёлар: Ангрен каолини ва саноат чиқиндиларидан олинган ташувчилар ва ва бошқа маҳаллий минерал хомашёлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида гидрирлаш, меркаптансизлантириш жараёни катализаторлари, катализаторлар олиш технологиялар, катализаторлар ишлатиладиган жараёнлар ва катализаторлар физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ этадиган усуллар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида рентгенфаза таҳлил (V-6000), термография (дериватограф Paulik- Paulik Erdey), электрон спектроскопия (Specord M-75 ва Hitachi-330), фотоколориметрия, металллар миқдорини таҳлили, катализатор ва ташувчиларнинг сирт юзасининг кислота-асосли хоссаларини аниқлашда ностандарт усуллардан фойдаланилган. Синтез қилинган намуналарни каталитик фаоллигини микрокаталитик пилот ва юқори босимли синов-саноат қурилмаси (OL-105/2)да ўрганилди. Гидрогенизатлардаги олтингугурт миқдорини аниқлаш учун давлат стандарти ГОСТ 22387.2-2014 дан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Fe-Ni-Mo ва Fe-Co-Mo таркибли фаол юзага ва нано тизимга эга бўлган барқарор промоторларга эга MoS_2 олтингугуртли углеводородларни юқори даражали сульфидловчи меркаптансизлантириш ва гидрирлаш катализатори яратилган;

Fe^{3+} иони билан ташувчиларни бирламчи модификация қилинганда катализаторлар юзасида промоторлар қаршилигига учраб ҳосил бўлган исталмаган (CO) бирикмаларни йиғилиб, зичлашмаслиги (оралиқ тўйинмаган углеводородлар олигомеризацияси ва меркаптанларнинг малекулалар аро таъсирлашуви), катализатор кислотали хусусиятлари йўқолмаслиги аниқланган; катализатор синтез қилиш жараёнида негиз темир нитрати билан модификациялаб, сўнгра аммоний молибдатни сувли аралашмаси шимдирилиб қуритилганда темир молибдат ҳосил бўлмаслиги исботланган;

якунловчи шимдириш жараёнида никел нитрати ёки кобальт нитратини лимон кислотаси орқали эритиб шимдириш $[\text{Me}(\text{H}_{\text{Cit}})(\text{Cit})(\text{H}_2\text{O})_4]^{3-}$ ва $[\text{Me}(\text{Cit})_2(\text{H}_2\text{O})(\text{H}_2\text{O})_4]^{4-}$ комплекслари ҳосил бўлиши, қисман наноструктурали цитрат лигандлари ўрнини босувчи фаол компонентлар ҳосил бўлиши исботланган;

минерал хомашёлар асосида табиий газларни меркаптанлардан тозалашда қўлланиладиган самарадор катализатор олиш технологияси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

юқори босим-юқори газ сарфи учун мослаштирилган, мустаҳкам, оптимал барқарор ғовакларга эга Рашиг ҳалқа шаклидаги самарадор катализатор синтез қилинган;

маҳаллий ҳомашё ва саноат чиқиндилари ўрганилиб, улар асосида замонавий усулда меркаптансизлантириш катализатори олиш бўйича технология ишлаб чиқилган;

товар газларига қўйилган талабларни қондириш мақсадида CO_2 миқдори 4-5%ни ташкил этган товар газларини меркаптансизлантириш учун юзасига темир оксиди модификацияланган ва кислоталилик хусусиятлари табиий газ таркибига чидамли катализаторлар олиш учун шароитлар ишлаб чиқилган;

олинган катализаторларни ишлаш муҳлати ва даврлараро регенерация қилиш шароитлари, заҳарланиш даражалари ва бир қатор ўзгарувчи функциялари тикланиш ҳолатлари кўрсатилган;

корхоналарда синов-саноат қурилмалари мавжуд эмаслиги сабабли турли каталитик ва адсорбцион жараёнларга мослашувчи синов-саноат модел қурилмаси лойиҳалаштирилиб синов учун комплектацияланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий ёндашув, хулосалар ва тавсияларнинг асосланганлиги шубҳа туғдирмайди, олинган натижалар замонавий физик-кимёвий таҳлил қурилмаларидан фойдаланиб, катализаторлар ишлаб чиқариш технологияси тадқиқотининг анъанавий усуллари асосида, амалдаги стандарт талабларга мос равишда аниқланганлиги ҳамда, микркаталитик, пилот қурилмаларида тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти янги, таркибида кўп миқдорда нордон газлар

(CO₂, сульфид, дисульфид ва тиофен) мавжуд бўлган табиий газлар ва газ конденсатини сифатини оширишда самарадор катализатор шунингдек, гидродесульфидлаш, гидрирлаш, меркаптансизлантириш жараёнида барқарор фаолликка эга бўлган, яъни коксоген хоссаси паст бўлган катализаторларини олиш технологиялари ишлаб чиқишда маҳаллий минерал хомашё (каолин) ва саноат чиқиндиси – ишлатилган алюмооксидли адсорбентдан, анъанвий ва замонавий янги катализаторлар синтез қилиш усулларининг илмий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, табиий газ ва газ конденсатини барқарорлаштиришда қийин тозаланадиган кўп миқдордаги қўшимча бирикмалар(сульфидлар, дисульфидлар, тиофенлар)ни миқдорини максимал камайтириш учун ҳамда кокс ҳосил қилиш жараёнини фаоллаштириб таъсир кўрсатувчи CO₂ миқдори юқори бўлганда ҳам барқарор ишловчи, импорт ўрнини босувчи замонавий катализатор тайёрлашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Минерал хомашёлар асосида углеводородларни меркаптанлардан тозалашда қўлланиладиган самарадор катализатор олиш технологиясини ишлаб чиқиш асосида:

нефтнинг мойли фракцияларини гидротозалаш жараёни учун катализатор таркиби ва олиш технологиясига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг патенти олинган (№ IAP 05423, 2017 й.). Натижада нефть фракцияларини гидротозалаш катализаторларини маҳаллий хомашёлар асосида олиш имконини берган;

табиий газларни меркаптанлардан тозалаш катализаторини олиш технологияси «Махам Chirchiq» АЖда амалиётга жорий қилинган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2019 йил 11 декабрдаги 24-7638-сон маълумотномаси). Натижада олинган катализаторни 50% импорт қилинаётган катализаторлар ўрнига маҳаллий катализатор ишлаб чиқариш имконини берган;

маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида олинган табиий газларни меркаптанлардан тозалаш катализатори «Махам Chirchiq» АЖнинг аммиак-2 цехида метанни конверсия қилиш қурилмасида амалиётга жорий қилинган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2019 йил 11 декабрдаги 24-7638-сон маълумотномаси). Натижада метанни конверсия қилиш жараёнини тезлаштириш имконини берган;

маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида олинган табиий газларни меркаптанлардан тозалаш катализатори Муборак магистраль газ қувурлари компрессор станциясига амалиётга жорий қилинди. («Ўзтрансгаз»нинг 2019 йил 12 декабрдаги 01-28/2-1-сон маълумотномаси). Натижада олинган катализаторни импорт қилинаётган катализаторлар ўрнига маҳаллийлаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 7 та республика илмий – амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та илмий мақола, жумладан 10 та республика нашрларида ва 3 та хорижий журналларида нашр этилган, 1 та ЎЗР патенти олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ҳамда амалиётга тадбиқ этилиши очиб берилган. Шунингдек, чоп этилган мақолалар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Углеводород хомашёсини меркаптансизлантириш муаммолари**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар ҳақида маълумот берилган. Бунда енгил углеводородларни меркаптанлар ва бошқа аралашмалардан тозалашнинг саноат усуллари бўйича илмий-техникавий ва патент маълумотлари келтирилган. Каталитик гидрирлаш мақсадга мувофиқлигига алоҳида эътибор қаратилган. Ташувчиларни синтез қилиш масалалари, Ni-Mo ва CoMo катализаторлари, фаол фазалар тузилмасини тартибга солиш усуллари муҳокама қилинган ва уларни Fe^{3+} ионлари билан промоторлашнинг олтингугуртли органик бирикмалар гидрогенолизига таъсири етарлича тўлиқ акс этирилмаганлиги аниқланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот усуллари ва объекти физик-кимёвий хоссалари**» деб номланган иккинчи бобида газ хроматографияси, йодометрия ва фотоколориметрия усуллари ёрдамида дастлабки меркаптанлар концентрациясининг ўзгариши ва уларни гидрогенолиз қилиш натижасида олинган кўшимча маҳсулотнинг сифат таркибини экспериментал аниқлаш ишлари кўриб чиқилган. Олтингугуртли органик моддаларнинг каталитик ўзгариши микрокаталитик (босим 0.001-0.1 МПа) ва пилот (босим 3 МПа гача) курилмада ўрганилди. Катализатор намуналарини физик – кимёвий тадқиқ қилиш «Дрон 3-УМ» дифрактометри, «Q-1500» дериватографи (Венгрия), «Hitachi-330» (Япония), InVia Raman (Буюкбритания), Agilent Technologies Cary 640 Series FTIR Spectrometer» спектрометрлари ёрдамида амалга оширилди.

Ишқорий тиндириш (ГОА_p), термодисперслаш (ГОА_i) ва алкоголят (ГОА_{sb}), технологиялари бўйича ишлаб чиқилган тижорат импорт маҳсулоти бўлган алюминий гидрооксидлари (ГОА)–псевдобемитлар асосида ташувчиларнинг учта серияси, шунингдек, ишлатилган алюмооксидли

адсорбент (ОА) ва каолинли (К) қўшимчалари бўлган байерит, бемит ва гибссит қоришмасидан тайёрланган бемит-псевдобемит ГОА (ГОА_м) ва ГОА_{ббг} синтез қилинди.

«А» ва «АК» сериясини ташувчилар азот кислотаси билан аралаштирилган мос қоришмалар ва/ёки органик реагентлар иштирокида пептидлаш йўли билан олинган, шунингдек, «АКБ» серияси борат кислотаси билан модификацияланган. Ташувчи компонентларини ифодалашдаги рақамлар масса фоизларида компонентнинг концентрациясини билдиради. Алкоголли ГОА асосидаги ташувчидан ташқари барча «А» сериядаги ташувчилар мустаҳкамлик талабларига жавоб бериши аниқланди. Ташувчиларга каолин ва борат кислотасини қўшиш қоидага кўра намуналарнинг мустаҳкамлигини таъминлади. Пептидловчи аралашма таркиби ва компонентлар нисбатининг ўзгаришига қараб, текстурасига кўра фарқланувчи ташувчилар олинди: солиштирма сатҳи 310 дан 91 м²/г оралиғида,

1- жадвал.

Таркибида лойли минераллар сақловчи, келиб чиқиши турлича бўлган алюмин гидроксиди ва ОА асосида синтез қилинган ташувчиларнинг характеристикаси. (Азот ва сирка кислотасининг қоришмаси (")), сирка кислотаси ('), карбамид қўшилган азот кислотаси ("")) билан пептидлаш

Ташувчининг компонентларини белгилаш	Ташувчи шифри	Ғоваклар диаметри нм (Ғоваклар ҳажми; см ³ / г)	S _{уд} , м ² /г	Ғоваклик D _{эфф} , нм	Мустаҳкамлиги, Кг/мм
ГОАр	А-3	< 7.5(0.23); 7.5-14(0.15); 19-20(0.13)	275	5.68	3.4
ГОАи	А-4	< 7.5(0.14); 7.5-15(0.25); 18-19(0.16)	203	11.4	3.0
ГОА _{Сб}	А-7	<7.5(0.42); 7.5-13(0.20); 40-100(0.05)	270	7.3	1.1
ГОАр(40)ОА(60)	А-10	<7.5(0.42); 7.5-13(0.20); 40-100(0.05)	170	11.0	2.6
ОА, прокален 500°С	А-12	< 7.5(0.1); 8-10(0.39); 15-17(0.07)	160	9.0	3.2
ГОАр(90)К(10)	АК-1	<7.5(0.32); 9.0-13.5(0.2); 16-20(0.12)	265	6.1	3.0
ГОАр(40)ОА(50)К(10)	АК-2	< 7.5; 14-20(0.39); 160-200(0.19)	116	14.9	2.6
ГОА _х (88)К(12)	АК-3	< 7.5; 8-10(0.41); 10-30 (0.18);	250	6,8	4.3
ГОА _х (53)ОА(35)К(12)	АК-4	< 7.5; 14-20(0.37); 100-200(0.30);	111	15,1	2,4
ОА+К(25%)	АК-5	< 7.5; 8-16(0.17); 120-180(0.25);	91	18,1	2.8
ГОАр(30)ОА(60)К(10)'	АК-6	< 7.5; 9.0-11(0.28); 70-100(0.28);	109	15,7	3.8
ОА(70)К(30)	АК-7	< 7.5; 8-10(0.23); 20-50 (0.11);	91	11.5	4.2
ГОА _м (88)К(12) "	АК-8	< 7.5(0.11); 8-10(0.45); 15-30(0.08);	273	6.3	2.7
ГОА _{ббг} (88)К(12) "	АК-9	< 7.5(0.21); 8-9(0.50); 10-40(0.04);	310	6.6	1.3
ГОА _м (88)К(12) ""	АК-10	< 7.5(0.08); 8-13(0.48); 20-30(0.11);	168	12.5	1.8
ГОА _р (88)К(12)'	АК-11	< 7.5; 9.0-11(0.14); 60-80(0.04);	296	5.5	2.8
ГОАр(52,5)ОА(35)К(10)	АКБ-1	< 7.5 (0,23); 10-12(0.27); 40-80(0.07)	177	9.83	3.15

Ғовакликларнинг самарадор диаметри эса 6 дан 18 нм. гача ўзгариб турди. ОА қўшимчаси ташувчиларда Ғоваклиликни келтириб чиқарди, сирка ва борат кислоталарини қўллаш эса асосан майда Ғоваклар ҳосил бўлишига олиб келди.

Бир қатор ташувчилар темир нитратининг сувли эритмаси билан олдиндан модификацияланди.

Катализаторларни синтез қилиш бир неча усулларда амалга оширилди, металл символидан кейин турган қавсни ичидаги рақамлар уларнинг қиздирилган катализатордаги концентрациясини англатади (2 жадвал):

1) фосфат ёки лимон кислотаси (ушбу серия катализаторлари шифрига - С₁ қўшилган) билан барқарорлаштирилган ўтувчи(оралиқ) металллар тузлари эритмаси билан бирга ташувчини бир марта шимдириш усули билан;

2) аммоний парамолибдатнинг сувда ёки лимон кислотасидаги эритмаси билан, сўнгра VIII гуруҳ металлари нитратларининг лимон кислотасидаги эритмаси (катализаторлари шифрига - С₁ қўшилган) билан бирин-кетин шимдириш усули ёрдамида;

3) ташувчининг компонентларини фосфат кислота билан барқарорлаштирилган оралиқ металллар тузларининг бирга эритмаси билан қориштириш усулида. Ҳар бир шимдириш амалга оширилгандан сўнг намуналар при 200-500 °С да қиздирилди.

Диссертациянинг «**Fe³⁺ билан модификациялашни катализаторларнинг физик-кимёвий хоссаларига таъсири**» деб номланган учинчи бобида модели тизимлар мисолида Fe-Ni-Mo ва Ni-Mо катализаторлари шаклланишининг А-1 ташувчи микдорининг фаол компонентларнинг 0 дан 83% гача суммасига нисбати ўзгариб туриши, мол нисбати Fe₂O₃:CoO:MoO₃, Fe₂O₃:NiO:MoO₃ 1:8:13 дан 1:6:13 гача чегарада бўлганида гидрокимёвий ва термик босқичи ўрганиб чиқилди. Термография, рентгенфаза таҳлил, электрон спектроскопия ва бошқа усуллар ёрдамида оралиқ металлларнинг берилган нисбатида, уларни суртиш усуллари ва шимдирилувчи эритма стабилизаторининг типига боғлиқ бўлмаган ҳолда, гидрокимёвий босқичдаёқ никель ёки кобальтнинг гидратланган молибдатлари шаклланиши кўрсатилган. Термик босқичда 500-550 °С да никель (ёки кобальт) молибдатлари ва темир молибдатларининг аралашган кристаллари ҳосил бўлиши кузатилмади, (Fe) промотор эса қисман сиртқи оксидли шаклда бўлди, қисман оксид алюминийли ташувчининг тетраэдрик бўшлиқларига жойлашди. Катализаторлардаги сирт билан заиф боғланган фаол компонентларнинг бўлиши кузатилмади, (Fe) промотор эса қисман сиртқи оксидли шаклда бўлди, қисман оксид алюминийли ташувчининг тетраэдрик бўшлиқларига жойлашди. Катализаторлардаги сирт билан заиф боғланган фаол компонентларнинг селектив экстракцияси ёрдамида ташувчини темир нитрати билан дастлабки промоторланишида ҳажмга Mo⁶⁺, Ni²⁺ ёки Co²⁺ ионларини киритилиши жараёни самарали секинлаштириши исбот қилинди.

1-расмдан кобальт ёки никель молибдатлари ҳажмий структуралари чиқариб юборилгандан сўнг Ni²⁺+Td (16.6 и 16.0 ксм-1) ва Co²⁺+Td (19.0, 16.6 ва 15.0 ксм-1) га ҳос бўлган ютиш соҳаси интенсивлигининг яққол камайиши кўриниб турибди. (Co)Промоторнинг аммоний парамолибдат билан ўзаро

таъсирланиши натижасида кўп бўлмаган миқдорда ностехиоетрик гидратланган темир молибдати $\text{Fe}_2\text{O}_3 \cdot 3.9\text{MoO}_3 \cdot 10\text{H}_2\text{O}$ хосил бўлиши фақатгина 1:0.47:3.6 га тенг бўлган $\text{Fe}_2\text{O}_3:\text{NiO}:\text{MoO}_3$ моль нисбатидаги кучли кислотали эритмада содир бўлган ва бунда $(\text{NH}_4)_3[\text{PMo}_{12}\text{O}_{40}]$ кристаллизацияси билан борган. «С₁» ва «С₂» серияли қуритилган катализаторларнинг КР-спектрларида 1070 см^{-1} да С-С га тегишли бўлган ўрта интенсивликдаги полоса кузатилди, COO , CO ва CON тебранишлардан полосанинг биметаллик цитратли комплекслари ($528, 1060, 1154\text{ см}^{-1}$) пайдо бўлмади, $1700\text{-}1750\text{ см}^{-1}$ даги ютиш полосаларининг йўқлиги карбоксилатли лигандларнинг депротонланишидан дарак беради.

Жадвал 2


Шимдирилган эритма таркиби, оралиқ металларини суриш тартиби ва шароитининг катализаторлар текстурасига ва мустаҳкамлигига таъсири

Катализатор	Эритмаларнинг рН			$S_{\text{уд.}}$; $\text{м}^2/\text{г}$	$D_{\text{эффП}}$ ор; нм	Мустах кпмлик Кг/мм
	Соли Мо, Со (Ni, Fe) в H_3PO_4 или $\text{C}_7\text{H}_8\text{O}_7$.	Соль Мо в H_2O или в $\text{C}_7\text{H}_8\text{O}_7$	Соли Со, Ni в $\text{C}_7\text{H}_8\text{O}_7$			
Ni(4)Mo(12)/A-3	2.2	-	-	222	5.6	3.3
Fe(1)Ni(4)Mo(12)/A-3	1.9	-	-	220	5.5	3.6
Ni(4)Mo(12)/A-4	2.0	-	-	168	11.0	3.0
Fe(1)Ni(4)Mo(12)/A-4	1.8	-	-	165	10.9	3.2
Ni(4)Mo(12)/A-7	2.3	-	-	219	5.8	0.9
Fe(1)Ni(4)Mo(12)/A-7	2.0	-	-	210	6.9	0.3
Ni(4)Mo(12)/A-10	1.9	-	-	160	10.2	2.2
Fe(1)Ni(4)Mo(12)/A-10	1.7	-	-	153	9.8	2.4
Ni(4)Mo(12)/A-12	1.8	-	-	164	7.1	3.5
Fe(1)Ni(4)Mo(12)/A-12	1.7	-	-	152	8.8	3.4
Ni(4)Mo(12)/AK-6	1.7	-	-	114	15.0	3.9
Fe(1)Ni(4)Mo(12)/AK-6; Fe в (H ₂ O)	1.9	-	-	110	14.8	4.0
Fe(1)Ni(4)Mo(12)/AK-6 –C ₁	0.8	-	-	108	15.4	3.5
Fe(1.0)Ni(4)Mo(12)/AK-6-C ₂	-	5.5	3.5	112	14.7	3.6
Fe(0.9)Ni(3.1)Mo(12.3)/AKБ-1	1.6	-	-	163	8.8	3.4
Fe(1.0)Co(3.2)Mo(12.1)/AKБ-1	1.7	-	-	167	8.5	3.2
Co(3.8)Mo(11.8)/AKБ-1	2.5	-	-	162	8.3	3.3
Ni(3.9)Mo(12.1)/AKБ-1	2.4	-	-	164	9.0	3.4
Fe(0.9)Ni(3.1)Mo(12.3)/AKБ-1-C ₁	0.5	-	-	130	12.4	1.8
Fe(1.1)Ni(4.0)Mo(12.2)/AKБ-1-C ₁	0.5	-	-	133	12.6	1.6
Fe(0.9)Co(3.2)Mo(12.2)/AKБ-1-C ₁	0.5	-	-	135	12.2	2.0
Ni(4.3)Mo(16.1)/AKБ-1-C ₂	-	5.5	3.5	158	10.2	3.3
Ni(1.1)Co(3.3)Mo(16.2)/AKБ-1-C ₂	-	5.5	3.6	166	10.1	3.1
Co(4,5)Mo(16.0)/AKБ-1-C ₂	-	5.5	3.4	168	10.0	3.3
Fe(1)Co(4,6)Mo(15.9)/AKБ-1-C ₂	Fe в (H ₂ O)	5.5	3.5	164	10.5	3.4

Fe(1.0)Ni(4.4)Mo(15.9) /АКБ-1-С ₂	Fe в (H ₂ O)	5.5	3.5	160	10.8	3.4
Fe(1.0)Ni(4.1)Mo(16.4) /АКБ-1-С ₂	-	5.5	3.5	156	10.4	3.0
Fe(1.0)Ni(4.1)Mo(16.4) /АКБ-1-С ₂	Fe в (H ₂ O)	0.5	3.4	163	10.7	3.3
Fe(0.9)Ni(3.1)Mo(12.3) /АКБ-1-С ₂	-	5.5	3.4	159	10.3	3.0

Ўрганиб чиқилган барча катализаторларнинг КР-спектрларида кўприкчали Мо-О-Мо (565 и 845 см⁻¹) ва Мо=О (355 и 890 см⁻¹) лардан, шунингдек, 952-955 см⁻¹ соҳасининг молибдатли тузилмаларидан соҳалар ёрқин намоён бўлди.

Фосфат ёки лимон кислотаси билан барқарорлаштирилган кўшма эритмалар сингдирилган намуналар билан солиштирганда «С₂» сериясидаги катализаторларда кучли кенгайиш ва интенсивликнинг паст бўлиши «С₂ цитратли технология» бўйича олинган қиздирилган катализаторларнинг оксидли шаклларидаги молибдатли тузилмаларнинг дисперсланиши катта эканлигидан дарак беради.



1 Расм. Ташувчиларни олдиндан темир нитрати билан модификациялашнинг катализаторларни электрон спектрларига селектив экстракция циклини (курсив билан белгиланган) тугашига қадар(текис чизиклар) ва тугагандан кейинги(штрих-пунктирли чизиклар) таъсири

Электрон ва ИК-спектроскопия натижаларига кўра якуний шимдирилиш учун ишлатиладиган рН 3.3-3.6 бўлган шимдирилувчи эритмалар таркибида [Co(HCit)(Cit)(H₂O)₄]³⁻, [Co(Citr)₂(H₂O)₄]⁴⁻ ёки [Ni(HCit)(Cit)(H₂O)₄]³⁻, [Ni(Citr)₂(H₂O)₄]⁴⁻ комплекслари бўлганлиги кўрсатиб берилди.

Бир хил кимёвий таркибга эга бўлган ва ички координацион сферасида қисман депротонлаштирилган лимон кислотаси молекулалари билан бир қаторда сув молекулалари бўлган кобальт ёки никель комплекслари эритмасини

шимдириш йўли билан олинган «C2» сериясидаги катализаторлар водородда термик ишлов берилгандан сўнг максимал даражада кислородни хемосорблади ва энг кўп тиклаш марказларига эга бўлди.

Диссертация ишининг «**Моделли газ аралашмалари компонентларининг меркаптанлар гидрогенолизининг қўшимча маҳсулотлари сифатига таъсирини тадқиқот қилиш**» деб номланган тўртинчи боби катализатор типи, газ аралашмасининг таркиби ва гидрогенолизининг биринчи босқичида жараёни эталон метанли бинар аралашмалар таркибидаги индивидуал меркаптанларни ўзгариши мисолида жараёни тадқиқ қилиш ёрдамида ҳосил бўлувчи олефинларнинг ўзаро таъсирга киришиши маҳсулоти сифатида бошланғич меркаптанлар ва меркаптанларнинг номақбул олигомерланиши реакциялари боришининг сабаб ва оқибатларини аниқлашга йўналтирилди.


Шунга ўхшаш шароитларда 270-280 °С температурада бошланғич этилмеркаптаннинг термик ўзгариши бир неча фоизга юқори даражада, бутилмеркаптаннинг эса 36-48% га юқори даражада бўлди.

Фотоколориметрик титрлаш ва хроматографик таҳлил ёрдамида (2 расм) водородсиз термокаталитик деструкциянинг асосий реакциясига параллел равишда C-S боғлари водород сульфид ажралиб чиқиб, шунга мувофиқ, этилен ёки бутен-1 ҳосил бўлишида иккиламчи реакциялар бўлиб ўтиши мумкинлиги аниқланди. Ички стандартни қўллаш билан метан ва бутилмеркаптан аралашмалари тадқиқот қилинган ҳолатда бутен-1 нинг қуйидаги ўзгариш реакциялари маҳсулотлари мавжудлиги исбот этилди: скелетли (1,1 диметилэтилен*) ва стерео изомеризацияси (транс-бутен-2*), диспропорциялаш (этилен ва гексен-3*), тўйинмаган бирикмалар олигомеризацияси (гексен-1, октен-1, октен-4*), сульфид ёки меркаптанларнинг алкенларга бирикиши (диэтилсульфид, дибутилсульфид, октантиол*). * - юлдузча билан ички стандартсиз шартли идентификацияланган моддалар белгиланган.

Водород миқдори унча катта бўлмаганда (0.1 МПа) олинган маҳсулот аралашмасини хроматографлаш органик олтингугурт моддаларининг концентрацияси камайганлигини ва алкенларнинг йўқ эканлигини аниқлаб берди. Бошланғич аралашма таркибига CO₂ (табиий газларда кенг тарқалган аралашма) киритиш акс таъсир кўрсатди, CO₂концентрацияси 2 об. % дан юқори бўлганда олигомерлаш маҳсулотлари миқдори ва улар асосидаги катализаторларнинг фаол марказларини акс эттирувчи кокс чўкиндилари шаклланиши ҳам янада ортди.

Диссертациянинг «Физик-кимёвий характеристикаларнинг хом ашё таркибидаги органик олтингугуртли бирикмалар ўзгариши жараёнида синтез қилинган катализаторларнинг фаоллиги билан боғлиқлигини ўрганиш» деб номланган бешинчи бобда меркаптанларнинг ўзгариши босқичининг хом табиий газ ҳамда катализаторларда синтез қилинган газ конденсатидаги аралашмаларнинг кимёвий хусусиятларига (табиатига) боғлиқлигини акс эттирувчи тажриба натижалари келтирилган. 3 расмда катализаторларнинг кимёвий таркиби, тиклаш марказларининг концентрацияси, реакцион

аралашмадаги водород миқдори ва катализаторларнинг гидратловчи хоссалари ўртасида шубҳасиз ўзаро боғлиқлик кузатилади. Водород концентрацияси бир хил бўлганда меркаптанларнинг ўзгариши даражаси катализаторлардаги оралик металлларнинг миқдорига нисбатан жараённинг температурасига кўпроқ боғлиқ бўлади.




1 – метан+этилмеркаптан (50-70 ppm), 2 – метан+бутилмеркаптан (50-70 ppm), 3 – метан+бутилмеркаптан (50-70 ppm) + водород 0.1 МПа; 4, 5 – таркибида меркаптанлар (50-70 ppm) ва CO₂ (4.5 % об) сақлаган табиий газ, 4 - водород 0.01 МПа, 5 - водород 0.1 МПа.

Расм 2. Fe(1)Ni(4)Mo(12)/A-3 катализаторда 270-280° С температурада моделли аралашмаларни ўзгариши маҳсулотларининг концентрацияланган намуналарининг хроматограммалари

Водород меркаптанлар термокаталитик деструкцияси маҳсулотлари бўлган олефинлар молекулаларининг кўшбоғи гидратланиши реакцияларини кескин тезлаштиради, олефинлар ва меркаптанлар олигомеризацияси реакциялари маҳсулотлари пайдо бўлишини олдини олади ва CO₂ таъсирини камайтиради (3 ва 4 жадваллар). Водород сарфини 2 мартага ошириш (CO₂~2 об. %) меркаптанларни алканларга айланишини 10-15 мартага ошишига олиб келади.

Бу ҳолатда CO₂ иштирокида меркаптансизлантириш жараёнининг барқарорлигига ижобий таъсир қилиши кўрсатиб берилди.



Расм 3. Турли катализаторлардаги меркаптанлар конверсияси маҳсулотларини гидратланиши даражасининг дастлаб тикланган катализаторларсиртида топишган тиклаш марказлари миқдорига (спинт · 10⁻¹⁸) ва жараён температураси 250 °C га тенг бўлгандаги водород сарфига боғлиқлиги. Босим 0.02 МПа, табиий газдаги бошланғич миқдори: меркаптанларнинг C₁-C₅ – 0.13 г/м³, H₂S-0,039 г/м³, CO₂ - 1

3 -Жадвал.

Ҳом-ашё ва Fe-модификаторнинг табиий газда тажрибанинг вақтига боғлиқ равишда меркаптанларнинг (C₁-C₅) ўзгариш даражасига таъсири

Ташувчи компонентлари таркиби [Кучли кислотали марказлар концентрацияси $pK_a \leq -3$ в ммоль/г дан 550 °С киздиришдан кейин ташувчиларга]		Температура; 270-300 °С, ҳажмий тезлик; 1000 ч ⁻¹ . Босим; 0.01 МПа, Олтингугурт миқдори - 50 ppm	1 соат	10 соат	фаоллик йўқотилиши даражаси; %	Кокс чўкиндилари; %
Содержание CO ₂ – 4,5 об. %	Ишқорий чўкмали псевдобемит – ГОА _p [0.46]	Ni(4)Mo(12)/A-3	53,3	36,6	31,3	23,1
		Fe(1)Ni(4)Mo(12)/A-3	52,7	39,8	24,4	21,7
	Псевдобемит, термодиспергирлаш– ГОА _и [0.50]	Ni(4)Mo(12)/A-4	53,8	34,2	36,4	27,3
		Fe(1)Ni(4)Mo(12)/A-4	52,6	40,6	22,8	21,2
	Псевдобемит, алкоголятли – ГОА _{Sb} [0.49]	Ni(4)Mo(12)/A-7	54,8	34,8	36,5	27,6
		Fe(1)Ni(4)Mo(12)/A-7	50,3	40,7	19,1	20,7
	ОА, киздирилган 550 °С [0.09]	Ni(4)Mo(12)/A-10	49,2	42,4	13,8	18,4
		Fe(1)Ni(4)Mo(12)/A-10	45,5	44,1	3,1	11,8
	ГОА _p (40)ОА(60) [0.18]	Ni(4)Mo(12)/A-12	51,4	43,3	15,7	19,2
		Fe(1)Ni(4)Mo(12)/A-12	49,6	45,2	8,9	12,8
CO ₂ – миқдори 2.0 об. %	ГОА _p (30)ОА(60)К(10) [0.07]	Ni(4)Mo(12)/AK-6	52.9	46.1	12.9	16.7
		Fe(1.0)Ni(4)Mo(12)/AK-6	52.4	46.8	10.7	15.2
		Fe(1)Ni(4)Mo(12)/AK-6-C ₁	52.8	46.3	12.8	16.4
		Fe(1.0)Ni(4)Mo(12)/AK-6-C ₂	53.6	47.0	12.3	15.7
	ГОА _p (52.5)ОА(35)К(10)+ 2.5% борат кислоталари [0.23]	Fe(1.1)Ni(4)Mo(12)/AKБ-1	53.0	46.9	11.5	14.4
		Fe(1)Co(3.2)Mo(12.1)/AKБ-1	53.9	47.5	11.9	14.8
	ГОА _p [0.46]	Ni(4)Mo(12)/A-3	54.2	40.3	25.6	22.0
		Fe(1.0)Ni(4)Mo(12)/A-3	53.7	47.9	10.7	13.6
	ГОА _p (30)ОА(60)К(10) [0.07]	Ni(4)Mo(12)/AK-6	53.9	42.4	21.3	19.8
		Fe(1.0)Ni(4)Mo(12)/AK-6	53.5	49.0	8.4	11.5
		Fe(1)Ni(4)Mo(12)/AK-6 -C ₁	53.5	48.4	9.5	12.4
		Fe(1.0)Ni(4)Mo(12)/AK-6-C ₂	54.6	49.7	9.0	12.4
ГОА _p (52.5)ОА(35)К(10)+ 2.5% борной кислоты [0.23]	Fe(1.1)Ni(4)Mo(12)/AKБ-1	53.6	48.6	9.4	12.6	
	Fe(1)Co(3.2)Mo(12.1)/AKБ-1	55.03	50.2	8.7	12.0	

Катализаторлар синтези шартларининг суюк ва газсимон углеводородларни меркаптансизлантириш жараёнида водород босими 2.5-3.0 МПа бўлганида органик олтингугурт бирикмалари концентрациясининг ўзгаришига таъсири.

Катализатор	Эритмаларнинг pH			Газоконденсати; умумий олтингугурт 5000 ppm		Табийий газ; 50 ppm RSH, CO ₂ 4%
	Соли Мо, Со(Ni, Fe) в H ₃ PO ₄ или C ₇ H ₈ O ₇ .	Соль Мо в H ₂ O или в C ₇ H ₈ O ₇	Соли Со, Ni в C ₇ H ₈ O ₇	Сульфидлар, дисульфидлар, тиофенлар	В т.ч. RSH1500 ppm	
Ni(4)Mo(12)/AK-6	2.4	-	-	978	70	2.04
Fe (1)Ni(4)Mo(12)/AK-6;	2.3	-	-	976	70	2.00
Fe (1)Ni(4)Mo(12)/AK-6 –C ₁	2.0	-	-	975	68	1.99
Fe(1.0)Ni(4)Mo(12)/AK-6-C ₂	Fe в (H ₂ O)	5.6	3.4	972	67	1.95
Fe(0.9)Ni(3.1)Mo(12.3)/AKБ-1	1.6	-	-	997	86	2,31
Fe(1.0)Co(3.2)Mo(12.1)/AKБ-1	1.7	-	-	980	73	2,02
Fe(1.0)Co(3.2)Mo(12.1)/AKБ-1	1.8	-	-	975	66	1.90
Co(3.8)Mo(11.8)/AKБ-1	2.5	-	-	992	78	2,11
Ni(3.9)Mo(12.1)/AKБ-1	2.4	-	-	1050	95	2,53
Fe(1.1)Ni(4)Mo(12)/AKБ-1	2.2	-	-	1066	97	2.52
Ni(0.9)Co(3.2)Mo(12.2)/AKБ-1	2.4	-	-	1000	90	2,45
Fe(0.9)Ni(3.1)Mo(12.3)/AKБ-1-C ₁	0.5	-	-	960	69	1,92
Fe(1.0)Ni(4.0)Mo(12.2)/AKБ-1-C ₁	0.5	-	-	940	61	1.80
Fe(0.9)Co(3.2)Mo(12.2))/AKБ-1-C ₁	0,5	-	-	920	56	1.70
Ni(4.3)Mo(16.1) /AKБ-1-C ₂	-	5.5	3.5	862	44	1,42
Ni(1.1)Co(3.3)Mo(16.2) /AKБ-1-C ₂	-	5.5	3.6	839	41	1,24
Co(4,5)Mo(16.0) /AKБ-1-C ₂	-	5.5	3.4	814	28	1,20
Fe(1.0)Co(4,6)Mo(15.9) /AKБ-1-C ₂	Fe в (H ₂ O)	5.5	3.5	822	30	1,15
Fe(1.0)Ni (4,4)Mo(15.9) /AKБ-1-C ₂	Fe в (H ₂ O)	5.5	3.5	840	38	1.22
Fe(1.0)Ni(4.1)Mo(16.4) /AKБ-1-C ₂	-	5.5	3.5	888	47	1,50
Fe(1.0)Ni(4.1)Mo(16.4) /AKБ-1-C ₂	Fe в (H ₂ O)	0.5	3.4	835	34	1.20
Fe(0.9)Ni(3.1)Mo(12.3) /AKБ-1-C ₂	-	5.5	3.4	900	50	1.62
Fe(1.0)Ni(3.2)Mo(12.1) /AKБ-1-C ₂	Fe в (H ₂ O)	0.6	3.5	892	45	1.48

ХУЛОСА

1. Физик-кимёвий усуллар орқали Ni-Mo ва Co-Mo меркаптансизлантириш катализаторларни ОА ва Fe³⁺ ионлари билан модификациялаш орқали юза хоссалари ва фазовий таркибларини шаклланишни барқарорлаштириш тавсия этилди.

2. Катализаторларни Fe³⁺ билан модификациялаш натижасида эришиладиган ижобий натижага қуйидаги факторлар: Ni²⁺, CO²⁺ ва Mo⁶⁺ ионларининг алюминий оксиди ҳажмига миграциясини олдини олиш ва бунинг хисобига фаол фаза MoS₂ промоторловчи сульфитланувчи никель ёки кобальтнинг ҳиссасини ошиши ҳамда меркаптанлардаги C-S боғлари узилишига ва C=C боғларини гидрирлаш реакцияларини пасайишига келтирувчи кислоталик хоссаларини пасайтириш ҳисобига изоҳланди.

3. Водород сарфини икки карра ошириш (CO₂ миқдори ўртача бўлганида) меркаптанларни алканларга айланиши даражасини 10-15 марта ошишига олиб келади. Газ аралашмаси таркибида CO₂ миқдори юқори бўлганда олефинларнинг гидрирланиши босқичи бундан аввалги меркаптанларни термокаталитик деструкцияланиши босқичига нисбатан кўпроқ даражада секинлшиши, водород сарфига боғлиқлиги билан изоҳланди.

4. Fe-Ni-Mo ва Fe-Co-Mo катализаторларини «C₂ цитрат технологияси» бўйича синтез қилиш металлларнинг дисперслигини ва бир вақтда катализаторларнинг қайтарилиш марказлари концентрациясини ва гидрирлаш функцияларини оширилиши билан изоҳланди.

5. Минерал хомашёлар асосида табиий газларни меркаптанлардан тозалашда қўлланиладиган самарадор катализатор олиш технологияси ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.27.06.2017. Т.04.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ГУЛОМОВ ШУХРАТКАДИР ТАШМАТОВИЧ

**ТЕХНОЛОГИЯ ПОЛУЧЕНИЯ ЭФФЕКТИВНЫХ КАТАЛИЗАТОРОВ
ДЕМЕРКАПТАНИЗАЦИИ ПРИРОДНОГО ГАЗА НА ОСНОВЕ
МИНЕРАЛЬНОГО СЫРЬЯ**

**Специальность: 02.00.14 - «Технология органических
веществ и материалов на их основе»**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент -2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.1. PhD/Т32.

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом и Узбекском научно-исследовательском химико-фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.tkti.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Туробжонов Садритдин Махаматдинович доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Рахманов Тойир Зоирович доктор технических наук Сайдахмедов Игамберди Мухторович доктор технических наук, профессор
Ведущая организация:	Институт общей и неорганической химии

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 года в «___» часов на заседании Научного совета DSc.2017.Т.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: 100011, г.Ташкент, Шайхонтаурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.:(+99871)244-79-21, факс: (+99871)244-79-17, email:tkti_info@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института по адресу: (100011, г.Ташкент, Шайхонтаурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки № ___ от «___» _____ 2019 г.)

С.М.Туробжонов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

А.С. Ибодуллаев
Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

Г.Рахмонбердиев
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ

(аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всём мире в отраслях промышленности, связанных с производством и переработкой нефтяных, природных, пиролизных и попутных газов, а также синтез-газа Фишера-Тропша и технологии GTL для очистки от сероорганических веществ применяются высокоэффективные катализаторы с оптимальными поверхностными и текстурными свойствами. Вместе с тем, для удовлетворения высоких требований к качеству товарных и технологических углеводородных газов, особое внимание уделяется модернизации каталитических процессов и утилизации отходов производства.

В мире в целях обеспечения качественного газового сырья, востребованного в металлургии, нефтегазовой, химической, легкой, кожевенной и других отраслях промышленности для производства широкого спектра продуктов, проводятся исследования по разработке и применению высокоэффективных катализаторов для получения углеводородных газов с заданными свойствами, внедрению многофункциональных активных катализаторов в процессах переработки нефти и газа, разработке нанотехнологий, антикоррозионно и антиоксидантных добавок, а также каталитического способа получения альтернативного топлива и нетрадиционных технологий.

В нашей стране в настоящее время внедрен ряд технологий по разработке технологии и выпуску новых импортозамещающих катализаторов с применением местного сырья и промышленных отходов, повышению энергетической рентабельности производственных предприятий по переработке нефти и газа. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан поставлены задачи по «дальнейшей модернизации и диверсификации промышленности путем перевода его на качественно новый уровень, направленного на опережающее развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов»¹. В связи с этим разработка новой технологии производства местных катализаторов, сравнение их показателей с мировыми аналогами, а также повышение объема экспорта приобретают важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 –2021 годах», от 6 апреля 2017 года № УП-4891 «Критический анализ производства и состава товаров (работ, услуг),

¹Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

углубление локализации производств направленных на импортозамещение», от 21 сентября 2018 года № УП-5544 «Об утверждении Стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2019-1021 годы», от 7 мая 2018 года № ПП-3689 «О дополнительных мерах по совершенствованию механизмов внедрения инноваций в отрасли и сферы экономики», от 25 октября 2018 года № ПП-3983 «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан», а также в других нормативных документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики.

Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики VII «Химическая технология и нанотехнология».

Степень изученности проблемы. По созданию технологии получения эффективных катализаторов на основе местного минерального сырья, используемых при очистке углеводородов от меркаптанов вели научные исследования такие ученые, как Лapidус А.Л., Зиберт Г.К., Кипнис М.А., Ахмадулина А.Г., Мазгаров А.М., Okamoto Y., Song C., Dumeignil F., Lindner J., Ramselaar W.L.T.M., Garcia Villa, Исмагилов Э.Г., Султанов А.С., Юнусов М.П., Туробжонов С.М., Икрамов А.И., Дадаходжаев А.Т., Сайдахмедов Ш.М., Абидова М.Ф. и др.

Ими были проведены научно-исследовательские работы в области синтеза катализаторов (гидроочистка, гидрокрекинг, деароматизация, демеркаптанизация), с использованием различных компонентов и местного сырья (каолины, бентониты, промышленные отходы и другие), разработаны новые типы многофункциональных каталитических систем (гетерополикислотные, мембранные) с использованием различных методов нанесения активных металлов (пропитки, осаждения и молекулярного наслаивания).

Вместе с тем, на сегодняшний день в области переработки углеводородов ведутся научно-исследовательские работы по получению катализаторов будущего: порошкообразный регенерирующийся без носителя, с капсульным полимерным носителем, обладающие стабильной наноповерхностью и высокой дисперсностью активных фаз, мезопористой структурой, возобновляющейся по технологии типа «regeneration», над разработкой принципиально новых технологических процессов.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено согласно плану научно-исследовательских работ Узбекского научно-исследовательского химико-фармацевтического института в рамках научно-технических проектов № А13-020 «Разработка катализатора и технологии очистки природного газа от меркаптанов» (2012-2014 гг.), № Ф-7-012 «Закономерности формирования

структуры и поверхностных центров модельных систем с ионами переходных металлов и нанокатализаторов на их основе для гидрогенизационных процессов переработки нефти и газа» (2012-2016 гг.), № 6461-891 «Разработка катализатора и технологии гидросероочистки природного газа и гидрирования ароматических углеводородов нефтяных фракций» (2015-2016 гг.), № И-2016-7-12- «Разработка технологии катализаторов демеркаптанизации природного газа и организация производства» (2016-2017 гг.).

Цель исследования является разработка технологии получения высокоэффективных катализаторов на основе минерального сырья, применяемых при демеркаптанизации углеводородов.

Задачи исследования:

